

ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

Р. ҚУРБОНОВ,

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси

Буюк Ленин партиясининг тарбияси кўрган, халқ орасидан етишиб чиққан ақоли дошманд одамлар бор. Эл наъри тушган бундай кишилар узоқ вақт мобайнидаги ҳалол хизматлари туфайли меҳнат аҳлининг ҳурмати, иззат-иқромига сазовор бўладилар.

Коммунистик партия тарбиялаган атоли давлат, жамоат арбобларидан бири ўзбек халқининг асл фарзанди Усмон Юсупович Юсупов эди. Республиканинг биринчи оқоли Фўлдош Охунбобоев сингари Усмон Юсупов ҳам партия иши учун, халқ бахт-саодати учун садоқат билан фидокорона меҳнат қилди.

Камбағал, ерсиз, сувсиз деҳқон ўғлини, Улуғ Октябр иқлибигача подачилин қилган йигитни ўқитган ҳам, камолга етказган ҳам, давлат арбоби даражасига кўтарган ҳам улуғ Коммунистик партиямиз, инсоннинг хизматига энг тўғри баҳо берувчи доно халқимиз бўлди.

Усмон Юсупович Юсуповнинг ёрқин истеъдоди, жўшқин гайрати Улуғ Ватан урушидан илгарийроқ пахтакор ўзбек халқи асрлар мобайнида ташна бўлиб ётган ерларни сувга сероб қилиш учун умумхалқ курашига оқланган, тарихда мисли кўрилмаган қисқа муддат ичида дарёга тенг неладиган Катта Фарғона каналини қурган даврда, урушнинг оғир пайтларида ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса душманин тор-мор келтириш учун сафарбар этилган оғир фурсатларда бутун

улўғлиги билан намоён бўлди. Усмон Юсупович Юсупов ҳаммиш юраги ёниб турадиган, меҳнатсиз яшолмайдиган оташин инсонлардан бири эди. Республикада умумхалқ ишхоналари қуриш, пахтачиликни тобора юксалтириш, ўлкамизни бог-бўстонларга буркаш тарихи Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида узоқ йиллар мобайнида ҳормай-толмай меҳнат қилган ўртоқ Усмон Юсупов номи билан ҳам чамбарчас боғланган.

Катта Фарғона каналда, Фарҳод ГЭС қурилишида, Мирзачўли ҳудудини қилиш учун курашда қатнашган кишилар Усмон Юсупович Юсупов қанчалик жўшқинлик билан меҳнат қилганлигини яхши билишди.

Усмон ака одамларга инсондиган, дўстларга садоқатли, ватансига вафодор, бир сўзла, қатъий иродали, камчиликларга мурасис, партия, халқ манфаатларини ҳамма нарсадан кўра устуң қўядиган жонқуяр раҳбар эди. У ҳаммиш одамлар, дошманд нарийлар, матонатли ёшлар, оқила аёллар, ўтюркан комсомол ёшлар билан маслаҳатла-

шар, уларнинг гапларига қўлоқ солар, моҳир ташкилотчи, жўшқин нотик сифатида меҳнат аҳлини коммунизм учун кураш йўлида мардона меҳнат қилишга чорлар эди.

Ватанимиз бошига оғир жунлар тушган даврда, уруш жараҳатларини даволаш учун кураш йилларида ҳам Усмон Юсупович Юсупов ҳормай-толмай меҳнат қилди. Халқ орасидан чиққан чин коммунист Усмон Юсупов ҳаммиш халқ билан ҳамнафас эди. Пахтакорлар ҳам, ишчилар ҳам, санъат шинавандалари ҳам бу ғамхўр раҳбарни севардилар, унга ишондилар.

У, кейинги йилларда улкан корхона, бог-бўстонлар макони «Халқобод» комбинатига раҳбарлик қилиб келди. Усмон ака соҳибкор халқимизнинг ўлкамизни бог-бўстон қилишдаги меросига садоқатли боронлардан бири эди. У ҳар бир киши умрида ҳеч бўлмаса йилнинг тўндалан кўчат ўтказса дидримизнинг ҳамма ери богистон бўлади, дерди.

Партия, ҳукуматимиз ун Ватан, халқ олдидаги хизматлари га гоят юксак баҳо бердилар. У

мамлакатимизнинг энг олий ишони Ленин ордени билан олти марта мукофотланди. СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига бир неча марта сайланди.

Усмон аканинг ҳурмат-этибори ўзбек халқи орасидагина эмас, қардош республикалар, хусусан Ўрта Осиё, пахтакор халқлар ўртасида ҳам юксак эди. Унинг мамлакатимизда Совет пахтачилигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси каттадир.

Халқимизнинг севимли фарзандини бевақт ўлим ораминдан олиб кетди. Лекин унинг яхши орузлари, ўйларини халқимиз Усмон ака ўйлаганидан ҳам андирок рўёбга чиқариши турган гап.

Пахтакор ўзбек халқи каналлар қуришда, ГЭСлар барпо қилишда, Ўзбекистоннинг пахтакорлик доврларини ошириш учун курашда, янги бог-бўстонлар яратиш учун мардона меҳнатида миллионлар билан бир сафда борган, коммунистик қурилишнинг барча жабҳаларида ҳормай-толмай меҳнат қилган ўғлини асло унутмайди.

Умрлар бўладими, тиргичга ўлиқдир, умрлар бўладими ўлиғича тиргичдир, ҳаммиш барҳаётдир. Ленин партиясининг содиқ фарзанди, меҳрибон, ўтюркани коммунист Усмон Юсупов мангу тирик, ҳаммиш барҳаётдир.

У бизнинг қалбимизда, халқ юрагида абадий яшайди.

УСМОН ЮСУПОВИЧ ЮСУПОВ



Ўзбекистоннинг коммунизм учун курашган иборат умумхалқ иш қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш учун ўзига хос гайрат билан халқ-тоғмай меҳнат қилди.

У. Ю. Юсупов қаерда ишласини ўзининг бутун куч-гайратини ва билиминини коммунистик партиянинг улғур ишига бағишлади, марказ-ленинча гояларнинг таъини учун замиш билан меҳнат қилди. У қатъий большевик, ақоли ташкилотчилик талантига эга ва ўзининг жўшқин фаолияти билан республика меҳнаткашларини кечис ҳурмат-этиборига зовор бўлди.

У. Ю. Юсупов партия XVIII XIX съездида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб танланди, бир неча марта Ўзбекистон КП Марказий Комитети аъзоси қилиб танланди, бир неча марта Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди. У коммунистик қурилишдаги катта амаллари учун олти марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроғи ордени, «Хурмат Белгиси» ордени, Биринчи даражали Ватан ўрмони ва Совет Иттифоқи медаллари билан мукофотланди.

Муштаҳам яродали коммунистик инсон, қобилиятли ташкилотчи, ҳормат-тоғмас меҳнат қилишчи, коммунистик Усмон Юсупович Юсуповнинг ўлоқ хотираси қалбларимизда ҳаммиш яшайди.

Ш. Р. РАШИДОВ, Р. Қ. ҚУРБОНОВ, Е. С. НАСРИДИНОВА, В. Г. ЛОСНОВ, И. Г. АНИСМИН, Н. Г. ЛЯЧЕНКО, М. М. МУСАХОНОВ, Н. МАТЧОНОВ, Р. Н. НИШОНОВ, М. А. АБДУРАХМОНОВ, С. Р. РАСУЛ, М. Т. ТУРСУНОВ, А. С. АБДАЛИН, С. О. АЗИМОВ, Г. А. ГАВРИЛЬЕВ, С. К. ЗИЕДУЛЛАЕВ, И. В. МАРИЧИН, А. Р. ХУЖАЕВ, С. АСОМ, К. КАМОЛОВ, Н. МАХМУДОВ, К. МУРТАЗОВ, Н. М. МУРОДОВ, Б. РАХИМОВ, С. Н. УСМОНОВ, А. ХАЙРАДОВ, Ф. Ш. ШАМИДИН, А. П. ОЛИМОВ, Х. А. АСОМОВ, М. А. ЗОИДОВ, Р. С. ХОЖАЕВ, А. Д. ИВАНОВ, М. КОРНЕВ, Ш. НИЗОВ, К. Н. БЕКАЕВ, П. В. КОСТРИКОВ, М. МУСАХОНОВА, А. С. ПОНОМАРЕВ, А. А. ХУЖАЕВ, Е. А. АЙТМУРОВ, Н. Б. БОЗОРОВ, Д. Е. ЕШИМБЕТОВ, И. ЖАЛИЛОВ, М. И. ИБРОХИМ, П. КАЮМОВ, Е. Т. ТАСАНБЕТОВ, М. УМАРОВ, А. А. ХУЖАЕВ, М. ХУДБЕРГАНОВ, Э. Т. ШАЙХОВ, К. Р. РАХИМОВ.

МЕДИЦИНА ХУЛОСАСИ

У. Ю. Юсупов бир неча йиллар давомида атеросклероз ва гипертония касали билан оғриб келди, бу касалликлар инфаркт миодан 30 минут ўтганда юрак вафат олиш тўхтади ва бемор бўлди.

27 апрель эртада соат 4 да беш миллион чоп ярим шаридаги томirlар сиқилди ва тананинг ўнг тарафи палаж бўлди ҳамда бемор тилдан қолди. Шундан кейин буйрак томirlари ишдан чинди ва унинг фаолияти тўхтади, шунингдек юрак ва ўпка томirlари ишдан чинди.

Профессор О. Н. ПАВЛОВ, профессор Р. А. КАДИН, В. И. профессор А. Р. ХИЖИКОВ, Ўзбекистон ССР солиқини сақлаш институтига қарашли И. Ю. казий касалхонанинг бош чини, медицина фанлари на дати А. Ю. ШОМИРЗАЕ

Мамарасул БОБОЕВ.

ИШОНЧ

Биламан, ҳамшаҳарим ташвишли, бедор, Велекин лабиди аския, ханда. Билишди, тоғдек сунячиғи бор, Комил ишончи бор улўг Ватанда.

Кўпга келган тўйнинг гинаси йўқдир, Зилзилами, бўрон, ёнғинми, тўфон, Бундан ҳам имтиёз излаш хунукдир, Кемадаги каби бир танмиз, бир жон.


Елғиз ўзни ўйлаш вақтимас бугун, Темирларни букар муштумлар кучи. Курамин кўчалар ва уйлор дуркун, Гул билан туташар ундан бу ўчи.

Амин бўл, маҳалланг бўлади кўркам, Хонадонинг тинчир ва яшнар тугал. Майли, сепин ёзиб бу йилги кўклам, Мафтун қилолмади бизларни бу гал.

Лекин мавсум кетмас чамандан буткул, Кўмилган ариқлар оқар шариллаб, Бугун бепарвороқ сайраган бўлбул, Яна ишқимизни кўйлайди шархлаб.

Ёмғир ювган янги хибонларда, Янги гулзорларни кезганим маҳал, Бугуннинг гўбори қолмас жонларда, Шаҳримиз кўринар янада гўзал.

Хат чўп солиб қўйгин, турсин бу ғазал.



В. Сироткин фотоси.

Навоий шаҳрида кўп қаватли уйлар тез қал кўтармоқда. Суратда: шаҳарда яқинда тикланган тўртта кўп қаватли ўй-жой биноларининг бирини кўриб турибсиз. Тошкент зилзиласи натижасида бошпанасиз қолган аҳолининг бир қисмини навоийликлар ҳам ўз бағирларига чорламоқдалар. Пойтахтликлардан бир қисми ана шу уйларга кўчиб қирадилар.

АНДИЖОНЛИКЛАР ҲИММАТИ

Кўнгилли равишда Тошкент фондида берилди, — деган широрин ўртага ташладилар. Комбинат коллективини олабастини барча меҳнаткашларига қарата мунозабат қабул қилди ва уларни ҳам бир нун тошкентликлар учун ишлаб беришга чақирди. Илгор корхона коллективининг ватанпарварлини чақирғи бошқа корхоналарда ҳам акс садо берди. Бу чақирғича Наманган санатчилари биринчилар қатори қўшилдилар. Ойлик планларини сурункасига ошириб бажаретган

Наманган мебель фабрикасида ишда бўлди, Митингда ишчи ва хизматчилардан М. Каримов, А. Ҳасимов, И. Саримовлар ўртоқлар сўзга чиқиб, ер қимирлаш оқибатида зарар кўрган тошкентликлар учун бир нун ишлаб беришларини айтидилар. Уларнинг фирмининг бутун коллектив кувватлади.

Андижон шахрининг миқро районда тошкентлик дўстларимиз учун 80 квартирани иккита йирик панелли уй кура бошладик, —

деди 3. Мурилий божқармасининг бригада бошлиғи ўртоқ Э. Мельников, — биз бунди узоғи билан бир ярим ой ичиде куриб фойдаланамишга тошларимиз.

Андижондаги ремонт механика заводининг коллективини бир нунда 700 сўм иш ҳақи олар экан. Улар ана шу пулни зилзиладан жабр кўрган тошкентлик биродарларга жўнатадиган бўлди.

Андижон локомотива депоси ва бошқа корхоналарнинг коллективлари ҳам ватанпарварлик ҳаракатига қўшилди билан қўшилмоқдалар.

А. ҚУРБОНОВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

„ОКОПНАЯ ПРАВДА“НИНГ СИРИ

Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари изидан

Йиллар ўтаверади, аммо севиқли Ватанимиз шарафи, озолиги учун муқаддас жангда қон тўккан халқимизнинг асл фарзандлари — қаҳрамонлар номи янада азиз бўлиб, авлодлар қалбига абадий яшайверади. Унутилмас Улуғ Ватан уруши йилларидаги оммавий жасорат тўғрисида янги-янги ҳужжатлар топиламоқда.

Яқинда қаҳрамонлар ҳаётини ўрганишга қизиққан ёшлар уруш пайтида қамалда қолган Севастополда «Окопная правда» деган жанговар варақа чопирилганини аниқлашди. Уни ўн уч яшар Валерий Волков чиқарган. Ўша йилларда Севастополда ҳамшаҳаримиз Иван Петруненко ҳам жанг қилган. У урушдан сўнг Тошкентда яшайди. «Окопная правда»нинг бир нухсасини И. Петруненко сақлаб қўйган экан. Унда ўн доворак ҳақида ҳикоя қилинган. Улардан бири ҳамшаҳаримиз медицина хизмати капитани Мамедов экан.

И. Петруненко ўзидеги газета сонини жанговар йўлда, Орхоникиде жонига тўрувчи Илгит Дауровага юборган. «Окопная правда»нинг ўша 11-сонига қўйилган ҳикоя қилинган.

«Биз, ўн киши бўлсан-да, шундай қудратли-мики, душман бизни дивизия деб ҳисоблайди. Бизни, Совет Иттифоқининг энга оладиган куч дунёда йўн. Чунки ўз эркин занда озо. ўз юртининг ҳўжайини бўлган кишиларимиз. Марҳамат, танишчи, қимлигимизни билиб қўйинг... Қарорхоҳимиз 52-мактаб.

Командиримиз ўртоқ Жидилов (рус), капитан Гобаллаев (грузин), оддий солдат В. Паушкит (латин), врач, капитан Мамедов (ўз-

бек), младший лейтенант, учувчи И. Даурова, И. Ибрагимов (татар), Петруненко (украин), сержант Богомолов (рус), разведчик А. Журавлев (владивостоклик), мен, сенидўз ўғли, 4-синф ўқувчисман. Иسمى-шарифим Валерий Волков.

Қадрон қуролдош дўстлар! Мабодо, бирортангиз омон қолсангиз мазкур мактаб ўқувчиларига курашимиз ҳақида ҳикоя қилиб бериши зинҳор унутманг. Қаерда бўлишимиздан қатъи назар, бу ерга келиб, Севастополда бўлган воқеаларни сўзлаб бериңг. Бизни разил Гитлер ва бошқа босқинчилар асло енголмайди. Биз миллионларимиз... Кўринг, хавас қилинч!... Бизнинг қудратимиз Узоқ Шарқдан Ригага, Киевга, Киевга, Севастополдан Тошкентга ястаниб етибди. Биз пўлатдек муштаҳамимиз!

Валерий «Шоир» (Волк)

1942 йил.

Қидирув бошланди. Москва ва Севастополда ёш қидирувчилар группаси Валерий Волков билан кишиларни излай бошладилар. Бу ишга Орхоникиде шахри пионерлари ҳам киришди. Улар «Окопная правда»да ҳикоя қилинган Қора денгиз флоти денгиз ийидалар 7-

бригадасининг собиқ командири генерал лейтенант Е. И. Жидилов ҳаёт акачилигини аниқладилар. Учувчи Илгит Даурова, Эзербек Азизовлар ҳам эсон-омон экан. Улар ёш қидирувчиларга ёрдамлашдилар.

«Пионерская правда» газети редакцияси ҳузурида ташкил этилган Вутуниттфоқ пионерлар экспедицияси штабига қўлаб хатлар кела бошлади. Валерий Волковнинг отаси Севастополда яқиндаги Чорғун қишлоғида фашистлар томонидан ўлдирилган. Ёш Валерийни разведкачиларимиз И. Даурова ва И. Петруненко ўртоқлар қутқазиб қолганлар. У полкда тарбияланди. Ҳақиқий полк ўғли бўлиб етишди. Севастополдаги шиддатли жангларда Валерий ҳам қаҳрамонларча курашиб, ҳалок бўлди. Валерий ўзининдан сўнг Севастопол шахрини душмандан ҳимоя қилишда жасурилик ва қаҳ-

рамонлик кўрсатгани учун СССР Олий Совети Президиумининг Фармониға мувофиқ, «1-даражали Ватан уруши» ордени билан тағдирланди.

«Окопная правда» сирини очувчи ёш қидирувчилар ҳақидаги хабар мени ҳам қизиқтирди. Жанговар варақанинг нодир нухсасини сарлаб қолган И. Петруненко ва ҳамшаҳарим шифокор Мамедовнинг кейинги тақдирини билгим келди. Совет Армияси Марказий музейига хат ёздим. Генерал лейтенант Е. И. Жидиловдан ёш қидирувчилар экспедиция оғрадининг раҳбари В. Г. Ларинанинг адресини беришни илтимос қилдим. И. Петруненко топишга киришдим. Шаҳар адреслар бюроси маълумотиға қараганда, Петруненколар шаҳарда иккита экан. Улардан бири Иван Федорович Чилинзорда яшаркан. У билан танишдим. У киши ҳам Ватан уруши қатнашчиси, жасорат кўрсатган жангчи экан-у, бироқ бошқа фронтда жанг қилган экан. Иккинчиси Иван Михайлович эса Горький қўчасида яшаган. Бир неча йил бурун эса Киевга жўнаган. Бу эса биз излаган тошкентлик Петруненко эди. Бирон, бахтга қарши уруш тугагач, бир неча йилдан сўнг вафот этган.

Кўп ўтмай, хатларимга жавоб келди. Конвертларини очарканман ҳаяжондан қўлларим қаттирди. Гўё ҳозир бировнинг тақдирини ҳал бўлаётгандек туюлди. Марказий музей бош илмий ходими Т. Никонованинг ёшидича, Мамедов қаҳрамон шахардаги жангда мардона ҳалок бўлган экан. Шу билан бирга В. Г. Ларинанинг адресини ҳам жўнатди. Ниҳоят, ўртоқ Лариндан Мамедов ҳақида аниқроқ хабар олдик.

В. Г. Ларина ёш қидирувчилар томонидан топишган хатларға асосланиб, Мамедов 1942 йил 30 июнда Севастополда ҳалок бўлганлигини, унинг жасади 12-мактаб чегарасида дафн этилганлигини айтган. Орадан бир оз вақт ўтди. Генерал лейтенант Жидилов ва Ларина ўртоқлар учрашиб, давоилангиза Москвага келган Илгит Даурова билан суҳбатлашдилар. Даурова Мамедов мента онам Тошкентда, эски шаҳарда, Текстильник қўчасида деб айтган эди, деб ёзди. Мана, чинга масала бир оз одиллашди. Аммо, нисбатан кўнглим тинчимаётди. Афсус, мени шифокор капитан Мамедов тўғрисида шундан бошқа ҳеч нарсани билмайман. Унинг қариндош-уруғлари ҳақида ҳам бирон нарсани аниқлай олмадим. Балки ушунга оқаси тиришди. Ўзбек жаҳоннинг шонли фарзанди Мамедов тақдирини билган жангпарларга, бирга ўқиган, — бирга юрган, оқласан бўларини тайинган ўртоқлардан илтимос қилдим. Бизга хабар бериңг!... Улуғ Ватан уруши шонли тарихининг саҳифаларини тўлдирайлик.

С. НЕСТЕРОВИЧ.

